



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: info@xs.uz

2012 йил 5 октябрь, № 196 (5616)

Жума

Нефть-газ саноати:

Юксалишнинг муҳим омили



Сурхондарё замини нефть захираларига бой. Эტიборлиси, воҳа худудидан қазиб чиқарилаётган “қора олтин”дан олинаётган бензин ҳамда дизель ёқилгиси, шунингдек, йўл қурилиши ва иссиқлик манбаларини ҳосил қилишда қўлланиладиган ноёб хом ашё — парафинли битум сифати юқорилиги билан ажралиб туради.

Жараён

Энг илғор технологик ускуналар билан жиҳозланган “Жарқўргоннефткайта-ишлаш” қўшма корхонасида заминимиз қаъридан қазиб олинаётган нефть сифатли қайта ишланиб, ундан қўлаб маҳсулотлар тайёрланапти. Ҳозир бу ерда 500 киши иш билан банд. Бинобарин, маҳсулотнинг ички эҳтиёждан ортган қисми экспорт қилинапти.

Жамоа жорий йилнинг биринчи ярмини муваффақиятли якунлади: 55 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, ички ва ташқи бозорга сотилди.

— Бундай натижаларга корхонамизни тўлиқ модернизация қилиш ҳисобига эришдик, — дейди ишлаб чиқариш бўйича бош директор ўринбосари Ҳасан Аллабердиев. — Ваҳоланки, вилоятимизда нефть қазиб олинаётганига 75 йилдан ошди. Бироқ мустақилликкача ундан фақат йўл қурилиши учун хом ашё сифатида фойдаланилган ҳолос. Истиқлол ша-рофати билан табиий бойлигимизни қайта ишлаб, юқори сифатли маҳсулот олиш имконига эга бўлдик. Аини пайтда “Евро-3” автомобиль бензини ҳамда “Евро-4” дизель ёқилгиларини тайёрлашни йўлга қўйиш ҳаракатидамыз.

(Давоми 2-бетда).

Мамлакатимизда:

Воқеалар,
янгиликлар,
хабарлар

Андижон

Избоскан туманида фаолият кўрсатаётган “Марс инвестекс” масъулияти чекланган жамияти яқинда хорижлик ҳамкорларига дастлабки 87 минг АҚШ долларлик спорт кийимлари ва тўқимачилик маҳсулотларини етказиб берди.

Спорт кийимлари — экспортга

— Фаолиятимизни спорт анжомлари ишлаб чиқаришдан бошлаган эдик, — дейди жамията раҳбари Н. Турсунов. — Мавжуд цехларимизнинг энг илғор технологиялар билан жиҳозланиши хорижда ҳам буюртмачиларга эга бўлиш имконини бермоқда. Эндиликда 13 турдаги маҳсу-

лотни экспортга чиқара- япмиз.

Айтиш жоизки, шу кун- га қадар вилоятда Ма- ҳаллийлаштириш дасту- ри доирасида 170 дан зиёд янги маҳсулот тур- лари ўзлаштирилди. Шундан 121 турдагиси экспорт қилинмоқда.

О. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Наманган

Ўтган йилдан бошлаб вилоятдаги қўлаб фермер хўжалиқларида интенсив боғлар яратилган эди.

Интенсив боғлар баракаси

Аини пайтда бундай боғларнинг умумий майдо- ни 550 гектарга етди.

Хусусан, Чортоқ туманидаги “Тўхтасин хожи боғи” фермер хўжалигининг 5 гектарлик интенсив мева- зориди Сербиядан келтирилган 6150 туп олма, нок, олхўри, гилос ниҳоллари томчилади суғориш усу- лида парвартирилмоқда. Эйтиборлиси, кўчатлар иккинчи йилдаёқ ҳосил бера бошлади.

— Интенсив боғнинг самараси жуда юқори экан, — дейди хўжалик раҳбари Бокижон Алиматов. — Тўрт-беш донаси бир кило тош босадиган “Гол- ден”, “Айдареп” навли олма дарахтларининг ҳосили ва мевасининг мазаси кишини ҳайратга солади. Нок, олхўри ҳам бундан кам эмас. Ҳозирча ҳар туп кўчат- дан 10-15 килограмм ҳосил йиғиб олаёلمиз. Бу — бир гектар боғ самарадорлиги 20 тоннага етади, деганидир. Кўчатлар тўлиқ ҳосилга киргач, ушбу кўрсаткич 60-80 тоннани ташкил этади.

Қ. НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Сирдарё

Сайхунбодлик тadbиркор Камолжон Сарибоев сай-ҳаракати билан “Сайхун Савдо Файз” хусусий корхонаси ташкил этилди.

Режа амалга ошди

Работ қилоғида жой- лаган ушбу ишлаб чи- қариш субъекти салқин ичимликлар тайёрлашга ихтисослаштирилган. Мазкур лойиҳа рўйи учун банкдан 180 мил- лион сўмлик кредит аж- ратилди. Пировардида 16 та иш ўрни яратилиб, йилига 546 миллион сўмлик яқин маҳсулот тайёрлаш имконияти юзага келди.

Шуниси диққатга сазоворки, ўтган 8 ой давомида вилоятдаги тижорат банклари томо- нидан сайхунбодлик тadbиркорларга 3 мил- лиард 412 миллион сўмлик кредит маблағла- ри ажратилди.

Ш. ХОЛМУРОВОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Қашқадарё

Дехқонбод туманининг Шўрдарё худудида 3 минг метрдан зиёд чуқурликда Шўрдарё газ ва конденсат қони аниқланди.

Янги кон аниқланди

Мутахассисларнинг фикрича, вилоятдаги газ кон- ларининг Жануби-Ғарбий Ҳисор блоки худудида жойлашган мазкур қондан кунига 650 минг кубо- метр табиий газ ва 70 тоннадан ортиқ газ конден- сати олиш имконияти мавжуд.

Ҳозир Шўрдарё қонининг геологик модели аниқ- ланиб, унинг ресурс базаси баҳоланмоқда. Бу янги ер ости захирасининг Жануби-Ғарбий Ҳисор бло- кини ўзлаштиришдага аҳамиятини белгилайди. Аини пайтда ушбу худудда 40 дан ортиқ қудқни бургилаш, шунингдек, ташқи электр энергияси таъминоти линияси, газни йиғиш ва тайёрлаш тизими, газ ҳамда конденсат қувурларини тортиш каби муҳандислик инфратузилмаси объектларини барпо этишга киришилмоқда.

А. МУҲАММАДИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«Style.uz — 2012»

Аини кунларда “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси ташаббуси билан пойтахтимизда ўтказилаётган “Art Week Style.uz — 2012” санъат ҳафталиги доирасидаги маданий-маърифий тadbирлар қизгин давом этмоқда.

Санъат ва маҳорат кўриги

Кеча Ёшлар ижод саройида мазкур ҳафталик дасту- рига киритилган VI Тошкент халқаро фотобиеннале- си ҳамда мода ва дизайн йўналишидаги кўргазма, шу- нингдек, намойишлар бошланди.

Ўзбекистон Бадий академияси ва “Фонд Форум” ҳамкорлигида ташкил этилган халқаро фотобиеннале- да юртимизнинг истеъдодли фотожодкорлари, ёш рассомлар, шунингдек, Грузия, Италия, Испания, Хитой, Украина, Япония каби мамлакатлардан ташриф буюрган санъат усталари қатнашмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Мустақкам ҳуқуқий асос ва қулайликлар

оилавий бизнес ривожда алоҳида аҳамият касб этмоқда

Бугунги кунда мамла- катимизда кичик бизнес ва хусусий тadbиркор- лик учун зарур ҳуқуқий асос ҳамда шарт- шароитлар яратилган. Чунонки, кейинги йил- ларда тadbиркорлик фаолиятини қўлаб-қув- ватлашга қаратилган бир қанча қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Жумладан, Президентимиз- нинг 2012 йил 16 июл- даги “Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фао- лият турларини ва рух- сат бериш тартиб-та- мойилларини тубдан қисқартириш чора-тад- бирлари тўғрисида”ги Фармони бў борада олиб борилаётган исло- хотларни янги босқичга кўтарди. Яъни ишбилар- монлар ва оилавий биз-

нес эгалари учун имко- ниятлар доираси янада кенгайди.

“Маҳалла” хайрия жа- моат фондининг вилоят бўлими ҳам ўз фаолияти- да маҳаллаларни хусусий тadbиркорлик ва оила- вий бизнесни ривожлан- тириш марказига айлан- тиришда фаол иштирок этмоқда. Бу борада ма- ҳаллаларга мутахассис- ларимиз томонидан ус- лубий-амалий кўмак кўрсатилиши баробари- да, тарғибот-ташвиқот тadbирлари ҳам изчил ўтказилаёттир. Хусусан, жорий йилнинг сентябрь ойида Асака ва Шаҳри- хон туманларидаги фуқа- ролар йиғинларида ки- чик бизнес ва оилавий тadbиркорликни ривож- лантириш бўйича бир неча амалий семинар- лар ташкиллаштирилди.

(Давоми 2-бетда).

АҚШлик экспертлар Тошкентда бўлиб ўтган халқаро конференция тўғрисида

Яқинда Ўзбекистон Республикасининг Вашингтондаги элчихонасида ташкил этилган давра суҳбати чоғида Тошкентда бўлиб ўтган “Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликнинг роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференциянинг иштирокчилари мазкур анжуман якунлари ва юртимизда орттирган таассуротлари юзасидан ўзаро фикр алмашдилар.

Эътироф

АҚШлик экспертларнинг баҳо беришларича, мазкур конференция нафақат анжуман иштирокчиларининг сони, балки мавзунинг дол- зарлиги нуктаи назаридан ҳам йирик халқаро воқеа бўлди.

Илк маротаба 2008 йили Ўзбекистонда бўлиб қайтган АҚШ Давлат департаментининг Ти- жорат ва бизнес иш- лари бўйича идораси Глобал тadbиркорлик дастурининг масъул

ҳодими Майкл Шенн кейинги йиллар давоми- да мамлакатимизда бар- ча соҳаларда эришилган муваффақиятларга ва рўй берган ўзгаришларга юқори баҳо берди.

У халқаро конференция ҳақидаги фикр-мулоҳаза- ларини ўртоқлашар экан, Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг анжуман очилиши маросими- даги нутқи кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик соҳасини ривожлантириш

бўйича амалга оширила- ётган вазифалар аниқ ми- сол ҳамда далиллар асо- сида чуқур таҳлил этилган билан ўзида катта таассурот қолдирганини алоҳида таъкидлади. Экспертнинг айтишича, анжуман ялпи мажлиси чоғида намойиш этилган видеофильм ҳам жуда маълумотга бой ва қизиқарли бўлди. Чунки ўтган 21 йил ичида Ўзе- бекстон Эришнинг тараққиёт кўламли мазкур ҳуж-

жатли фильмда ўзининг аниқ-равшан ифодасини топган.

М. Шенн тезуорар “Афросиёб” поездида Самарқандга уюштирил- ган сафар ҳам ўзида уну- тилмас таассуротлар қол- дирганини, “Афросиёб” поезди эса мамлакат транспорт инфратузилма- сини модернизациялаш борасидаги муваффақият- дан яққол далолат бери- шини айтди.

“Самарқанд шаҳрининг шу қадар ўзгариб кетган- ни ва янгиланганини кўриш биз учун жуда қувонарли бўлди. Янги йўллар, мухташам меҳ- монхоналар, магазин ва рестороанлар бунёд этил- ганга шохид бўлди”, деди у.

(Давоми 2-бетда).

Анжуман

Адлия вазирлиги ҳузур- идаги Республика суд- экспертиза маркази Германия халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик жамғармаси (IRZ) билан биргаликда “Суд экспертизаси ва одил судлов ютуқлари” мавзусида халқаро илмий-амалий семинар ўтказди.

Суд-экспертиза ва хориж тажрибаси

Унда тегишли вазирлик ва таш- килотларга қарашли экспертиза хизматлари ходимлари, соҳа олимлари, хорижлик экспертлар ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари вакиллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, ҳозирги кун- да жиноятни тезкор очиш, холи- сонна тергов ва одилона суд қарор- ларини қабул қилишда илм-фан ютуқлари ҳамда технологияларига асосланган суд-экспертиза хуло- сасидан самарали фойдаланишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Эътибор фидойиликка ундайди

Президентимизнинг Ўқитувчи ва мураббийларга йўллаган табригини ўқиб, тўлқинланиб кетдим. Ундаги ҳар бир сўз, истак нафақат касбдошларимизга, шу билан бирга, барча ҳамюртларимиз ҳаётига дахлдор эканлиги билан аҳамиятлидир.

Дил сўзи

Табриқда мамлакатимизда ҳар йили давлат бюджети харажатлар қисмининг 35 фоиздан зиёди таълим соҳасига йўналтирилаётганлиги, пе- дагог ходимлар меҳнатини баҳолаш ва рағбатлантиришнинг замонавий тизими жорий этилгани алоҳида таъкид қилинган. Албатта, бундай эъти- бор ҳар биримизга улкан масъулият юклаш билан бир қаторда, ўз усти- мизда янада кўпроқ ишлашга ундай- ди. Қолаверса, бугун мамлакатимиз- да хотин-қизларга кўрсатилаётган юксак эътибор туфайли уларнинг жа- миятдаги фаоллиги ошиб бормоқ-

(Давоми 2-бетда).

ДАВЛАТ ДАСТУРИНИНГ ИЖРОСИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

“Мустақкам оила йили” Давлат дастурини амалга ошириш учун шу йилнинг биринчи ярмида барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан

1,1 триллион сўмга яқин маблағ йўналтирилди.

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

Бу мазкур дастурда белгилаб берилган устувор вазифаларнинг ижросини таъминлаш, хусусан, оилавий тadbиркорликни иқтисо- диётнинг турли соҳаларида рағбатлантириш, ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўлаб-қувватлашни кучайтириш, аҳоли ижтимоий-маиший шароитларини яхшилашга қаратилган истиқболли лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш имконини берди.

АҚШлик экспертлар Тошкентда бўлиб ўтган халқаро конференция тўғрисида

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

“Catalyst Partners” шекторлик компаниясининг бошқарувчиси **Абрахам Смит** республикамизда бизнес юритиш учун кулай шарт-шароитлар яратиши юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларни юқори баҳолади. 2002 — 2007 йиллар давомида Ўзбекистонда иш олиб боргани ҳолда катта тажриба орттирган А. Смитнинг қайд этишича, республикамизда тадбиркорлик

нинг давлат томонидан қўллаб-қувватланишида салмоқли ижобий ўзгаришларга эришилгани баробарида, бизнес манфаатларининг ҳимоя этилиши учун зарур ҳуқуқий асос яратилган. У ўтган давр мобайнида мамлакатимиз иқтисодиётида саноатнинг ҳиссаси сезиларли даражада ошгани, сифатли ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариладиган кўп қанчалар янги корхоналар барпо этилганини таъкидлар экан, Ўзбекистонда янги бизнес-лойиҳаларни ҳаётга та-

биқ этиш имкониятларини ўрганишдан манфаатдор эканлигини айтди.

Питтсбург университети профессори, Ишбилармонлик тадқиқотлари маркази директори Чонг Янг Ли мамлакатимиз пойтахтида бўлиб ўтган халқаро конференция нафақат Ўзбекистон, балки барча хорижий қатнашчилар учун ҳам фойдали бўлганини қайд этди. Унинг маълум қилишича, мамлакатимиз иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши

йўлида эришган сўнги муваффақиятлар эътиборга сазовордир. Чонг Янг Ли фикр билдирганидек, Президент Ислом Каримов раҳнаомлигида бизнес муҳитини тубдан яхшилашга йўналтирилган илмий ислохотларнинг ўтказилаётгани мамлакат иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳиссаси янада кўпайишига, аҳоли фаровонлигининг юксалишига кўмаклашади.

Хадсон институтининг етакчи эксперти Ричард

Вейтц юртимизда кадрлар тайёрлашнинг ноёб тизими ўзида катта таассурот қолдирганини билдирди. Экспертнинг айтишича, Ўзбекистон ўз мамлакатини севадиган ва унинг келажagini бунёд этишга тайёр бўлган иқтидорли ҳамда фаол ёшлари билан фахрланишга ҳақлидир.

У, шунингдек, давлатимизнинг минтақавий барқарорлигини таъминлашдаги ролига ҳам юқори баҳо берди. Узаро ҳамкорлик ҳақида тўхталар экан, эксперт Хадсон институтидан Ўзбекистон ташқи сибсатиға бағишланган алоҳида тадбирни ўтказиш имконияти кўриб чиқилишини таъкид этди.

«Жаҳон» АА. Вашингтон

■ Парламент ҳаёти

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари кўмитаси томонидан “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонуннинг Тошкент шаҳридаги ижросини ўрганишга бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Хусусийлаштириш жараёнлари ва қонунчилик

Унда сенаторлар, халқ депутатлари Тошкент шаҳри Кенгаши депутатлари, манфаатдор вазирилик, идоралар вакиллари, маҳаллий вакиллик ва бошқарув органлари ҳамда тижорат банклари, тадбиркорлик субъектларининг раҳбарлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, олимлар, экспертлар иштирок этди.

Мажлисида қайд этилганидек, мамлакатимизда демократик бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш, иқтисодиётни модернизация қилиш, хусусий мулк ва мулкдорлар ҳуқуқларини ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Бунда, шубҳасиз, давлат мулки бўлган корхоналар ва объектларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг аҳамияти ниҳоятда каттадир.

Сўнги йилларда Ўзбекистонда хусусийлаштириш жараёнининг илмий ва бошқичма-бошқич амалга оширилиши натижасида ҳақиқий мулкдорлар синфи шаклланиб, кўп тармоқли иқтисодиёт барпо этилмоқда. Энг муҳими, бу саяё-ҳаракатлар боис хусусий сектор иқтисодиётнинг деярли барча тармоқларида етакчи ўринларга кўтарилиб олди. Чунинчи, бугун ялпи ички маҳсулотнинг 80 фоизидан кўпроги нодавлат сектор уллушига тўғри келаятгани ҳам бунинг яққол далилидир.

Айни чоғда бугунги ютуқ ва натижаларимизни холисона таҳлил, ислохотларимизнинг мантқиқи ва илмийлиги, уларнинг энг замонавий бозор нормаларига мувофиқлигини баҳолаш иқтисодиётнинг бошқариш тизимини янада чуқурлаштириш, тақомиллаштириш ва либераллаштириш бўйича жиддий эҳтиёж мавжудлигини кўрсатмоқда.

Хусусан, нодавлат секторининг уллушини янада кенгайтириш ва хусусий инвесторларни иқтисодиётнинг етакчи муҳим тармоқларига жалб этиш учун тенг имкониятлар яратилиши зарур. Шу муносабат билан Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонун ўтган давр мобай-

нида 80 дан ортиқ қонун-оғи хужжати унга уйғунлаштирилганига қарамасдан, бугун қайта кўриб чиқилиши ва янги тахрирда қабул қилишни талаб этаётгани кўрсатиб ўтилди.

Тадбирда амалдаги Қонун ижросини таъминлаш бўйича Тошкент шаҳрида муайян ишлар амалга оширилгани таъкидланди. Чунинчи, 2010-2011 йилларда ва 2012 йил биринчи ярим йиллигида давлатнинг 65 та актив хусусийлаштирилган, шулардан 49 таси очик қимовди савдоларида, 16 таси потенциал харидорлар билан бевосита шартнома тузиш асосида сотилган. Бундан ташқари, 21 хусусийлаштирилган объект бўйича тузилган шартномалар асосида корхоналарни ривожлантириш ҳамда объектларни реконструкция қилиш учун 46,1 миллиард сўмлик инвестиция қиртилган.

Бу борада кўрилган аниқ чора-тадбирлар натижасида нодавлат секторининг шаҳар иқтисодиётидаги уллуши сезиларли даражада кўпайди. Хусусан, саноат маҳсулотининг 97,4 фоизи, қурилиш ишларининг 93,6, чакана савдо товар айланмасининг 99,4, аҳолига кўрсатилаётган пулли хизматнинг 80,4, ташқи савдо айланмасининг 91,2 фоизи давлатга тегишли бўлмаган корхоналар уллушига тўғри келмоқда. Худудий ялпи маҳсулотдаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг уллуши 57,1 фоизни ташкил қилаётди.

Йиғилишда “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг янги тахрирдаги лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича тақлиф ва тавсиялар билдирилди. Хусусан, бунда хусусийлаштириш жараёни очик ва оммавий кеңишини, харидорлар ҳуқуқларининг тенглигини таъминловчи янги шартлар ва хусусийлаштириш усуллари қиритилишини назарда тутиш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Мажлисида ушбу масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.

Медиатур

Яқинда **Олмалик шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда саноат ва табиати муҳофаза қилиш соҳалари вакиллари учун медиатур ташкил этилди.**

Тежамкор технологиялар ва атроф-муҳит муҳофазаси

“ЭКОСАН” халқаро жамоатчилик фонди, “Чинор” экологик наشريёт компанияси кўмағида уюштирилган мазкур тадбирда иштирокчилар Олмалик кон-металлургия комбинатида бўлиб, бу ерда табиий ресурсларни тежаш ҳамда табиат мусофоллигини асраш борасида олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишдилар. Айтиш керакки, ҳозир мазкур комбинатда ишлаб чиқаришни модернизациялаш бўйича 15 та йирик лойиҳа ҳаётга таъбиқ этилмоқда. Бундан ташқари, завод маъмурияти экологик барқарорликни таъминлаш мақсадида шаҳар худудида янги боғлар, яшил ҳудуд ва хиёбонлар ташкил этиш, мавжудларини реконструкция қилишга катта аҳамият қаратаётди. Медиатур доирасида эколог мутахассислар иштирокида давра суҳбати ҳам ташкил этилди. Унда журналистлар худудда атроф-муҳит муҳофазаси, чиқиндисиз ишлаш технологияларини жорий этиш, сувдан оқилона фойдаланиш каби масалаларга оид кўплаб саволларга батафсил жавоблар олишди.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.



(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Дарвоқе, корхонада асосий технологик жараён “УПБ — 80” қурилмасида амалга оширилади. Қолаверса, цехларга ўрнатилган замонавий ускуналар компьютерлар ёрдамида бошқарилмоқда. Бу жамоа сафидаги ҳар бир мутахассисдан катта тажриба ва малака талаб этади. Шу боис корхонага ишга қабул қилинаётган ёшлар маҳоратини оширишда “Устоз — шогирд” аънанасидан кенг фойдаланилмоқда.

— Коллежни битириб, шу ерга ишга келдим, — дейди ўлчов асбоблари ва автоматика назоратчиси **Марат Хуснутдинов**.— Устозим Турсунали Маматмўминовдан

Нефть-газ саноати:

Юксалишнинг муҳим омили

касб сирларини пухта ўргандим. Ҳозир асбобларни бемалол ўзим назорат қилаялман. Ҳар бир ўлчов асбобининг нуқсонсиз ишлашини таъминлаш диққат-эътиборимда.

Айтиш жоизки, жорий йилда корхона жамоаси сафига яна 27 нафар мутахассис қўшилди. Эътиборлиси, уларнинг 6 нафари **Марат сингари** касбуна қоллежларини тамомлаган йигит-қизлардир.

Умуман, Сурхондарёда аҳоли бандлигини таъминлаш, худуд иқтисодий салоҳиятини юксалтиришда ишлаб чиқариш субъектларининг муносиб ҳиссаси бор. Айни пайтда воҳодаги 1097 та саноат корхонасида 15644 нафар киши меҳнат қилаётгани, жорий йилнинг 6 ойида вилоят ялпи худудий маҳсулотидан саноат товарлари уллуши 8,5 фоизни ташкил этгани бунинг яққол тасдиғидир.

Нормурод ТЕМИРОВ, **Шомурот ШАРАПОВ** (суратлар) «Халқ сўзи» мухбирлари.



(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Шу боис ҳам юртимизда ушбу соҳада кенг қамровли ишлар амалга оширилиб, замонавий илм-фан ютуқлари, ахборот технологиялари тизимга таъбиқ

Анжуманда Ўзбекистон ва Германиядаги мавжуд суд эксперти фаолияти, одил судловни таъминлашда экспертизанинг ўрни, шу жумладан, суд-экспертизанинг замонавий турлари — суд-фо-

Суд-экспертиза ва хориж тажрибаси

этилатири. Натижада суд-экспертиза муассасалари фаолияти йилдан-йилга тақомиллашиб бормоқда. Бундан ташқари Республика суд-экспертиза маркази томонидан амалга оширилган 13 та йўналишдаги илмий тадқиқот ишлари натижаларидан бугунги кунда суд-тергов идоралари ҳамда эксперт муассасаларида кенг фойдаланилаётгани ҳам тасдиқлаб турибди.

нография, геном дактилоскопия, ашёвий далилларни текшириш учун қўлланиладиган замонавий усуллар ҳақида тўла маълумот берибди. Семимурда германиялик мутахассислар томонидан яратилган одам ДНКси бўйича маълумотлар базасидан жиноятни очишда фойдаланиш, ҳужжатларнинг криминалистик экспертизаси билан боғлиқ тажрибалар ўртоқла-

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Санъат ва маҳорат кўриги



(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

— “Мен дунёда, дунё мендадир” шиори остида ўтказилаётган Тошкент фотобиенналесини Шарк ва Ғарб маданиятини уйғунлаштирган бетактор ижодий анжуман сифатида бизни ўзига жалб этди, — дейди япониялик ижодкор Наюки Огино. — Юртингизга илк бор келишим бўлса-да, уни анча йиллардан бундан биладигандекман. Аслида ҳам, Тошкент, Хива, Самарқанд, Бухоро шаҳарлари ҳақида бир неча тарихий асарларни ўқиганман. Шу боис Ўзбекистон халқининг бой ўтмиши, маданияти, санъати ва эришаётган бугунги ютуқлари менда ҳаммиша қизиқиш уйғотган. Ҳафталикда иштирок этиб, буларнинг барини ўз кўзим билан кўришга муваффақ бўлаётганимдан бениҳоя хурсандман.

Фотобиенналенинг тантанали очилишида хорижий ижодкорлар, санъатшунос олимлар, тадқиқотчилар, мода ва дизайн намояндалари, санъатга илҳомландирган талаба-ёшлар иштирок этди. Тадбирда таъкидланганидек, мана, бир неча йилдирки, “Style.uz” санъат ҳафталиги йирик маданият анжумани, унутилмас таассуротларга бой ўзига хос маҳорат мактаби сифатида кўпчиликнинг ёдида муҳрланиб қолмоқда.

...Фотобиеннале юртимизнинг машҳур фоторассоми Макс Пенсон ҳамда италиялик фэшн-фотограф Паоло Роверсининг ўтмиш ва бугунги кун руҳидаги асарлари кўргазмаси билан очилди. Шунингдек, бу галги ҳафталигининг фэшн йўналишидаги илк маҳорат дарси ҳам Ёшлар ижод саройида ўтказилди. Лондон мода коллежи ўқитувчиларининг қизиқарли сабоқларида за-

монавий модага илҳомланд ўнлаб иқтидорли ёшлар қатнашдилар.

— Ранглар, орзулар ва туйғулар ижодкорнинг борлиги, ҳаёт тарзи, десақ, айни ҳақиқатни айтган бўламиз, — дейди Лондон санъат университети ва мода коллежи махсус лектори Сара Аткинсон. — Ҳафталикнинг мода йўналишидаги тадбирлари бунинг яққол акс эттирилганлиги боис кўпчилик санъат шайдоларида қизиқиш уйғотмоқда. Шаҳсан мен “Style.uz”нинг Миллий либослар фестивали, ёш дизайнерлар ижодиға бағишланган “Underground” лойиҳаси ҳамда Заргарлик дефилеси тадбирларидан бир олам завқ-шавқ оламан, илҳомланаман. Бундай ҳис ҳар бир ижодкор учун сув ва ҳаводек зарур. Аслида, шунинг ўзиёқ, юртингизда аънанавий ўтказиб келинаётган санъат ҳафталиги нечоғли аҳамиятли эканини англатиб турибди.

Санъат ҳафталигининг мода ва дизайн йўналишидаги кўргазма ва намойишлари ҳамда халқаро фотобиеннале 9 октябрга қадар давом этади. Ушбу тадбирлар пойтахти-миздаги Ёшлар ижод саройи, Ўзбекистон Бадий академиясининг марказий кўргазмалар зали, Тасвирий санъат галереяси, Миллий санъат маркази, Тошкент курантлари, Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти, Халқаро маданият қарвонсаройи, Тошкент Фотосуратлар уйи, шунингдек, Самарқанд шаҳридаги йирик кўргазма залларида бўлиб ўтади.

Муборак ОХУНОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Уларда дастлабки фаолиятини оилавий тадбиркорликдан бошлаб, бугунги кунда хорижа маҳсулот экспорт қилаётган юртдошларимиз тажрибалари оммалаштирилгани, айниқса, фойдали бўлди. Мисол учун, бундан атиги 4-5 йил илгари оддийгина тикувчилик цехи

аъзоларидан ташқари яна бир неча киши муҳим иш билан таъминланди. “Маҳалла” хайрия жамоат фонди шаҳар ва туман бўлинмалари ҳамда тадбиркорларимизнинг саяё-ҳаракатлари туфайли жорий йилнинг ўтган даврида биргина Асака туманининг 73 та маҳалласида 640 та тадбиркорлик субъекти фаолияти йўлга қўйилиб, ўнлаб янги иш

мирзаев ўз хонадонидан иссиқхона ташкил этиб, помидор ҳамда лимон етиштирмоқда, бу ишга 5 киши жалб этилган. Андижон шаҳридаги Иттифоқ маҳалласида яшовчи Муқаддамхон Сатторов трикотаж тикув-ишлаб чиқариш цехини очиб, 10 та иш ўрни яратди. Даставвал оилавий корхона сифатида фаолиятини бошлаган “Шоирабону” трикотаж ишлаб чиқариш фабрикасида эса 200 дан ортиқ киши иш билан банд. Бу ерда яна шунча иш ўрни яратиш устида изланишлар олиб боришмоқда.

Бундан ташқари, маҳаллаларда худуднинг имкониятларидан келиб чиқиб, тадбиркорликнинг муайян турлари йўлга қўйилаётгани ҳам қайд этиш жоиз. Хусусан, Марҳамат туманидаги Қорақўрғон маҳалласида жун рўмоллар тайёрлаш тобора кенгайиб бораётган бўлса, Хўжаобод туманидаги Янгичек маҳалласида трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу ўринда яна бир мисол. Бўз туманидаги Гулистон маҳалласида истиқомат қилувчи Турсунбой Шои-

Мустаҳкам ҳуқуқий асос ва қулайликлар

оилавий бизнес ривожидан алоҳида аҳамият касб этмоқда

ўринлари ташкил этилди. Ўзбекистон, Тошлоқ, Кўнғирот маҳаллаларида фаолият юритаётган мебелчилик, дўппидўзлик, бешикчилик ва чеварлик корхоналарида эса бир гуруҳ ёшларимиз “Устоз — шогирд” аънанаси асосида меҳнат қилишмоқда.

Хуллас, “Маҳалла” хайрия жамоат фондининг бўлим ва бўлинмалари томонидан Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ҳамда “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонундан келиб чиқиб, маҳаллаларни хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш мақсадида амалга оширилаётган саяё-ҳаракатлар ўз самарасини бераётди. Бу эса, ўз навбатида, аҳоли турмуш даражасининг юксалишига, кичик бизнеснинг янада ривожланишига хизмат қилмоқда.

Икромиддин ВАЛИЕВ, «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Андижон вилояти бўлими бошқаруви раиси.

Ўзбекистон Республикаси
«Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш. II босқич» лойиҳаси
Кредит № 4433 Ўз

Ўқув семинарларини тайёрлаш ва ўтказиш бўйича консалтинг хизматларини кўрсатишда қизиқиш билдирувчилар диққатига!

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати Халқаро тараққиёт уюшмаси (ХТУ)дан «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш. II босқич» лойиҳаси учун ажратилган кредитнинг муайян қисмини фермерлар ва қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини ўқитиш учун консалтинг хизматлари кўрсатишга сарфлаш кўзда тутилган.

Танлаб олинган иштирокчи ташкилотлардан қуйидаги мавзуда амалий-ўқув семинарини ўтказишлари талаб этилади:

«Куз ва қиш мавсумларида ишлов бериш бўйича агротехник тадбирларни амалга ошириш — мевали боғлар ва тоқзорларни мавсумий парваришлаш, кузги бошоқли дон экинларининг навларини танлаш, жойлаштириш ҳамда экишни ташкил қилиш».

Иштирокчи ташкилотларга қуйидаги техник топшириқларни бажариш юклатилади:

- Фермерлар ва қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун юқорида келтирилган мавзуда жорий йилнинг ноябрь ойидан бошлаб дала шароитида бир кунлик амалий-ўқув семинарларини ўтказиш, уларга мўлжалланган ўқув режаси ва амалий ўқув материалларини тайёрлаш ҳамда амалга ошириш.
- Ўқув семинарлари Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд, Сирдарё, Тошкент ва Фарғона вилоятларида олиб борилади.
- Қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий қайта тузиш агентлиги қатнашувчи ташкилотларни юқорида кўрсатилган хизматларини амалга ошириш учун ўз қизиқишларини билдиришга таклиф этилади.
- Ташкилотлар тегишли ахборот базасини, машгулот олиб борадиган лектор, мутахассис-тренерлар ҳақида маълумотнома илова қилишлари шарт.

Қизиқиш билдирувчи ташкилотлар етарли малакага эгалиги (мазкур йўналишда тажрибаси, тегишли малакаси ифодаланган таржимаи ҳолга доир маълумотлар) тўғрисидаги ахборотни тақдим қилишлари зарур. Хар бир лектор, мутахассис-тренер: қишлоқ хўжалигида ёки тегишли соҳадаги малакага, таклиф этилаётган мавзу-йўналиш бўйича таълим беришда камида беш йиллик тажрибага эгалиги, соҳавий кўникмалар ва амалий ўқув режалари ҳамда амалий-ўқув материалларини тайёрлаш малакаси каби талабларга жавоб бериши лозим.

Қизиқиш билдирувчи ташкилотлар ўқув курсига киритиладиган дала амалий-ўқув семинар мавзусини қисқача баён этишлари зарур. Бундан ташқари, қизиқиш билдирувчи ҳар қайси лектор, тренер-мутахассис бир ҳафта мобайнида қанча ўқув курсини ўтказа олиши; ташкилот ўқув курслари бўйича шундай лойиҳаларнинг тегишли ва бир неча турдош соҳалари бўйича курсларини ўтказганлиги ҳақидаги маълумотларни аниқ-равшан баён этиши лозим. Қизиқиш билдирувчи ташкилотлар Жаҳон банкининг 2004 йил март ойида тасдиқланган қўлланмаси асосида консултантларни танлаш таомилларига мувофиқ саралаб олинади.

Қизиқиш билдирувчи ташкилотлар қўшимча маълумотлар олиш учун дам олиш кунларидан ташқари эрталаб соат 10.00 дан 18.00 гача қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қайта тузиш агентлиги, 100000, Тошкент шаҳри, Қори Ниёзий кўчаси, 39-«Б».
Тел.: (+99871) 237-16-57, 150-55-36. Факс: (+99871) 237-16-57.
Электрон почта: resp@skz.uz

Қизиқиш билдирган ташкилотларнинг мурожаати 2012 йил 9 октябрга қадар юқорида кўрсатилган манзилга тақдим қилиниши лозим.

«SAGDIANA REAL SERVIS» МЧЖ

савдо залда 2012 йил 9 ноябрь кuni соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб борувчи очик аукцион савдосига қуйидаги объект сотувга қўйилганлигини маълум қилади:

Суд департаментининг Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳри, Олмазор (собик С. Раҳимов) тумани судининг 2010 йил 2 апрелдаги 1-17/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги мулк савдога қўйилмоқда:

Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, Фарҳод кўрғони ҳудудида жойлашган «Жасурбек» ХИЧСТФга тегишли омборхона биноси, умумий ер майдонининг юзаси — 18589,29 кв.м., қурилиш ости майдонининг юзаси — 1947,44 кв.м.
Бошланғич баҳоси — 335 770 110 сўм.

Ушбу мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдордаги закат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда савдо ташкилотчиси — «SAGDIANA REAL SERVIS» МЧЖнинг «Ўзсанотқурилишбанк» Самарқанд шаҳар «Амир Темура» бўлимининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904882192001, МФО: 00994, СТИР: 301795054.

Манзил: Самарқанд ш., Абу Райҳон Бериуний к., 196-уй. Мўлжал — Чой қадоқлаш фабрикаси қаршида.
Телефонлар: (8-366) 229-03-12, 229-65-88. Лицензия: 0038.

ЗАВОД ТТЕМЗ ИЗГОТАВЛИВАЕТ И РЕАЛИЗУЕТ:

АВТОКРАНЫ

для производства монтажных и погрузочно-разгрузочных работ с обычными грузами на рассредоточенных объектах

КС-3577 НА БАЗЕ ШАССИ МАЗа

- максимальная грузоподъемность — 14 т
- максимальная высота подъема — 14,5 м

КС-4574-1 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗа

- максимальная грузоподъемность — 16 т
- максимальная высота подъема — 25 м (с гуськом)

КС-55724 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗа

- максимальная грузоподъемность — 25 т
- максимальная высота подъема — 30 м (с гуськом)

КРАН БАШЕННЫЙ КБ-403А

предназначен для строительно-монтажных работ при возведении жилых и гражданских сборных сооружений и строительства многоэтажных зданий

- максимальная грузоподъемность — 8 т
- максимальная длина стрелы — 30 м (с кареткой)
- максимальная высота подъема горизонтально — 41,5 м, наклонно — 57,5 м

Товар сертифицирован

Теперь вся продукция и в ЛИЗИНГ!

Товар сертифицирован

КРАНОМАНИПУЛЯТОРЫ И АВТОВЫШКИ

на шасси: ISUZU, КАМАЗа, МАЗа и др.

МОДЕЛЬ	высота подъема люльки	ГРУЗОПОДЪЕМНОСТЬ
KRANTAS - 335	15 м	3,2 т
KRANTAS - 736	21,5 м	6 т

АВТОЦИСТЕРНЫ И АВТОТОПЛИВО-ЗАПРАВЩИКИ

Объемом 8м³ и 12м³ на шасси МАН, КАМАЗа, МАЗа.

Под заказ

Тел.: 269-15-33, 262-63-45, 187-52-05, (+99890) 942-79-27. Факс: 262-23-61, 269-39-66.
E-mail: toemz1@sarkor.uz www.ttemz-kran.uz

«KOSHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этилади!

Аукцион савдосига Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан 2006 йил 6 мартдаги ЖСК-1-88/2006 ижро ҳужжати асосан хатланган, Тошкент вилояти Қибрай тумани, «Минурин дала ховличилар» ҳудудида жойлашган 67-сонли дала-ховли арзонлаштирилган ҳолда тақридан қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 174 644 995,92 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 22 октябрь кuni соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита

«KOSHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

Самарқанд вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этилади!

Аукцион савдоларига Суд департаментининг Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан Тошкент шаҳри, Олмазор (собик С. Раҳимов) тумани судининг 2010 йил 2 апрелдаги 1-17/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар тақридан қўйилмоқда:

- 1) «Жаҳон-жон» ХИЧСТФга тегишли, Самарқанд шаҳри, Набиева кўчаси, 6-уйда жойлашган, умумий майдони — 12624 кв.м., қурилиш ости майдони — 3884,72 кв.м. бўлган база биноси ва унинг мол-мулклари мулкчи мажмуа сифатида қўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 609 181 592 сўм.
- 2) «Жаҳон-жон» ХИЧСТФга тегишли, Самарқанд шаҳри, Сўғдиёна маскани, Истироҳат боғи ҳудудидаги қурилиш ости майдони — 461,8 кв.м. бўлган чойхона биноси арзонлаштирилган ҳолда қўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 199 070 460 сўм.
- 3) «Каттакўрғон-Фишт Шоҳжаҳон» Х/Кга тегишли, Каттакўрғон шаҳри, Туркистон кўчаси, 41-«А» уйда жойлашган, қурилиш ости майдони — 18943,72 кв.м. бўлган гишт заводи биноси арзонлаштирилган ҳолда қўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 1 170 922 775 сўм.
- 4) «Жаҳон-жон» ХИЧСТФга тегишли, Самарқанд шаҳри, Магистраль кўчаси, Аэропорт-9 манзилида жойлашган, қурилиш ости майдони — 4413,18 кв.м. бўлган автобекат

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 272 ва 287-моддаларига асосан, эгалигида солиқ солинадиган мол-мулки ва ер участкалари бўлган жисмоний шахслар ҳамда деҳқон хўжаликлари жисмоний шахсларнинг мол-мулки ва ер солиқлари тўловчилари ҳисобланади.

Солиқ даври учун жисмоний шахслар томонидан тўланадиган мол-мулк ва ер солигини тўлаш муддатлари ҳисоб-китобининг 15 октябрга қадар этиб белгиланган.

Ўз вақтида тўланмаган солиқ суммасига ҳар бир кечиктирилган кун учун қонунда белгиланган тартибда пеня ҳисобланиб, қарздорлик суд тартибда мажбурий ундирувга қаратилади.

Шундай экан, мол-мулк ва ер солигини 15 октябрдан кечиктирмай тўлашни унутманг!

Давлат Солиқ қўмитаси Ахборот хизмати

жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (тушлик вақти — 13.00 дан 14.00 гача). Аризаларни қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2012 йил 19 октябрь кuni соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «КМСХ» МЧЖнинг «Ипак йўли» банки ОАИТБ «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент ш., Олмазор тумани, 1-Корқақмиш к., 1-«А» уй.
Тел.: (8-371) 228-79-52. Расмий сайтими: www.1kms.uz
Лицензия: RR-0001.

биноси арзонлаштирилган ҳолда қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 566 469 104 сўм.

Аукцион савдолари 2012 йил 23 октябрь кuni соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аризаларни қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2012 йил 19 октябрь кuni соат 18.00.

Талабгорлар диққатига!

Ушбу мол-мулклар 2012 йил 23 октябрдаги аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, тақридан аукцион савдоси 2012 йил 7 ноябрь кuni бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Тақридан савдо учун аризаларни қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2012 йил 5 ноябрь кuni соат 18.00.

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (тушлик вақти — 13.00 дан 14.00 гача).

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчиси «КМСХ» МЧЖ Самарқанд вилояти филиалининг АИТБ «Ипотека-банк»и «Кўксарой» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000604920609025, МФО: 00262, СТИР: 207122519.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Самарқанд ш., Бустонсарой к., 85-«А» уй.
Тел.: (8-366) 293-80-56.
Расмий сайтими: www.1kms.uz
Лицензия: RR-0001.

Ташкилот ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

Россия Федерациясининг йирик ойна ишлаб чиқарувчи корхоналари: Нижегород вилояти, Борск шаҳридаги «Эй Джи Си Борский стекольный завод» ҳамда Клин шаҳридаги «Эй Джи Си Глас Клин» очик акциядорлик жамиятлари билан тўғридан-тўғри ишлаб чиқариш алоқаларига эга бўлган

XX «AGRO MARKER PLUS» МЧЖ

Ўзбекистон бозорига

ва Ойна ва Кўзгулар

етказиб беради.

Тошкентдаги омборхонасидан сайқалланган (шаффоф) ойна таклиф қилади:

1. 6 мм.ли, русуми М-1, ўлчами — 2 250 x 3 210 мм.;
2. 4 мм.ли, русуми М-1, ўлчами — 2 500 x 1 605 мм.;
3. Бронза рангли ойна (йодсимон) 4 мм.ли, русуми М-1, ўлчами — 2 550 x 1 605 мм.;
4. MNGE кўзгуи (намлика чидамли) 4 мм.ли, русуми М-1, ўлчами — 2 550 x 1 605 мм.

Шартномалар Ўзбекистон товар-хона ашё биржаси орқали ҳам тузилиши мумкин.
Тел./факс: (8-371) 299-86-32, (+99890) 128-63-99. E-mail: agromarkerplus@mail.ru

HYUNDAI NEW THINKING. NEW POSSIBILITIES.

ELANTRA

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

DONGNAM UZ MOTORS

Тел.: (+99871) 250-11-11. Факс: (+99871) 250-55-99.
www.hyundai.com.uz e-mail: hyundai-motors@mail.ru

ООО «SHANXAY PLAST GROUP»

ПРОИЗВОДСТВЕННОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ

производит **полиэтиленовые трубы**

Ø от 16 до 800 мм для водоснабжения, канализации и газа,

соединительные детали: **тройники, переходники, отводы, адаптеры.**

НА ВСЮ ПРОДУКЦИЮ ИМЕЕТСЯ СЕРТИФИКАТ СООТВЕТСТВИЯ, ГИГИЕНА И ГНБХА СИСТЕМА СКИДК.

Производим поставку, монтаж и комплектацию ПЭ-трубопроводов Ø от 16 до 800 мм под ключ.

Гарантия качества! Звоните!

Адрес: г. Ташкент, ул. Зиеллиар, 42. Телефон (+99890) 195-22-15. Факс 269-02-03.
WWW.pipilene.uz E-mail: sedou2006@yandex.ru

Ташкилот

1996 йилда ишлаб чиқарилган Мерседес-Бенц «Автоамбуланс» русумли автомашинани сотади.

Мурожаат учун тел.: **(8-371) 282-00-89.** Тўлов шакли — **турлича.**

Тошкент фармацевтика институти жамоаси Фармация кафедрасининг мудри, профессор **Миржамол Миррахматович МИРАЛИМОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти жамоаси институт собиқ профессори, техника фанлари доктори **Хусан Қодирович ҚОДИРОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

